**2010 йил 20 январь, чоршанба**

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 13 (11.574)

Баҳоси эркин нархда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА ФУҚАРОЛАРНИ НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ҲАМДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2010 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар 2010 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 19 январь*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## А.Ҳ.Тўхтаевни Тошкент шаҳрининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тўхтаев** Тошкент шаҳрининг ҳокими этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 19 январь*

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

**Янги чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди.**

Сессияда Тошкент шаҳар Кенгашига ўтказилган сайлов якунлари, депутатлар ваколатларини эътироф этиш, доимий комиссияларни шакллантириш, бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси раиси Жамолиддин Шоҳакимов сайлов кампанияси даврида амалга оширилган ишлар хусусида ахборот берди. Қайд этилганидек, сайловлар миллий қонунчилик талаблари ва халқаро меъёрларга тўлиқ мувофиқ равишда бўлиб ўтди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг тегишли моддаларига биноан Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та сайлов округи тузилиб, ҳар бири бўйича тўртта сиёсий партия томонидан депутатликка уч-тўрттадан номзод кўрсатилди. Давлатимиз ва жамиятимиз ривожида муҳим аҳамиятга эга ушбу сиёсий тадбирда сайловчиларнинг 81,9 фоизи фаоллик кўрсатди. 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган сайлов натижалари бўйича 59 та сайлов округидан депутат сайланди. 33-Тараққиёт сайлов округи доирасида 2010 йил 10 январда такрорий овоз бериш ўтказилди. Асосий сайловлар ва такрорий овоз бериш якунларига кўра Тошкент шаҳар Кенгашининг 60 нафар депутатдан иборат корпуси шаклланди.

Сессияда Тошкент шаҳар Кенгашига тегишли округлардан сайланган 60 нафар депутатнинг ваколатлари эътироф этилди.

Ҳар бир сиёсий партиядан сайланган депутатларнинг мурожаатларини инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳар Кенгашида ЎзЛиДеП, Ўзбекистон ХДП, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан сайланган депутатларнинг партия гуруҳлари рўйхатга олинди.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуннинг 19 ва 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг олтита йўналишдаги, жумладан, Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, Ижтимоий-маданий ривожланиш, Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод, Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиялари тузилди.

Сессияда Тошкент шаҳар Кенгаши фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳужжат ҳам тасдиқланди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тақдим этилган номзодни тасдиқлаш масаласини кўриб чиқишди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарори билан 44-Навоий сайлов округидан сайланган депутат Тўхтаев Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов иштирок этди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Автобус саройларида транспортчилар қишки мавсумга пухта тайёргарлик кўрганликлари сабабли йўловчи транспортлари ишида узилишлар бўлмаётир.**



### Транспорт

## ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

«12-автосарой» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси ҳам бугунги кунда 10 та йўналишда 116 та автобусларда (асосан «Мерседес» русумли) қатновни амалга оширишмоқда. Ўтган йилнинг ўн ойига белгиланган режалар барча кўрсаткичлар бўйича ортиғи билан бажарилди. Барча имкониятлардан унумли фойдаланиб, меҳнат қилаётган малакали транспортчиларнинг йўловчиларни ташиш бир кунлик тушуми 17,2 миллион сўмни ташкил қилади.

Мазкур автобус саройида бугунги кунда 528 нафар ишчи-хизматчилар фаолият юритмоқда, улардан 225 нафари малакали ҳайдовчилар, жумладан, таъмирлаш устахонаси ишчилари, муҳандис, усталардир.

— Ниҳоятда гўзал, ҳамиша навқирон шаҳримиз йил сайин чирой очмоқда, — дейди жамият бошқаруви раиси Қудратилла Зокиров, — йўлларимиз тобора равон, ойдин бўлмоқда, шоҳбекатлар, бекатлар қайта реконструкция қилиниб, ўзгача қиёфа касб этмоқда. Уларда нозимхона ходимлари ва ҳайдовчиларга алоҳида қулайлик яратилаётганида автосаройимиз жамоа аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Замонавий қиёфага эга бўлиб, шинамлик касб этган шоҳбекатнинг бугунги намунали хизмат кўрсатишдаги ўрнини айтиб ўтиш лозим.

Шу ўринда ушбу автосаройнинг ўнта йўналиши бўйича қатновни амалга ошираётган транспортчилари касб-маҳоратларига тўхталиш жоиз — 28 нафар ҳайдовчи ҳозирда 1 миллион, 10 нафар ҳайдовчи 1,5 миллион ҳамда 3 нафар моҳир транспортчилар 2 миллион километр масофани таъмирсиз босиб ўтишди ва корхоналари ютуғига салмоқли ҳисса қўшишмоқда.

Шаҳримиз кўчаларида эрта тонгдан аҳолига намунали хизмат кўрсатишни эзгу мақсад қилиб йўлга отланадиган барча транспортчиларга, хусусан, «12-автобус саройи» очиқ акциядорлик жамияти ишчи-хизматчиларига ҳайдовчиларнинг малакасини доимий ошириб боришларини, ҳамиша йўллари равон бўлишини ният қиламиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТДА: ҳайдовчилар аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатишда барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

### «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ:

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

**Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг 2009 йил якунлари ва жорий йилда амалга ошириладиган ишларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Мазкур жамғарма раиси А.Аҳмедов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамиятимизни модернизациялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тамойилларини ҳаётга янада кенг татбиқ этиш, бу жараёнда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда ўн мингдан ортиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритаётир. Бу тузилмалар аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш, маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, оилаларда тинчлик-тотувликни сақлаш, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, ҳудудларни ободонлаштириш тадбирларини ташкил этишда бош-қош бўлмоқда.

Аҳолининг кам таъминланган қисми, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган ва эҳтиёжманд инсонларни қўллаб-қувватлаш маҳалла фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир.

Маҳаллаларимизда амалга оширилаётган бундай эзгу ишлар кўламини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник салоҳиятини ошириш, ушбу жабҳада иш олиб бораётган мутахассислар ҳамда маҳалла фаолларининг малака ва маҳоратини мунтазам ошириб бориш масалаларига доимий эътибор қаратилмоқда. Ана шу йўналишда бажарилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили қишлоқ жойлардаги бир ярим мингдан зиёд фуқаролар йиғинлари замонавий компьютер ва жиҳозлар билан таъминланди. Мутахассислар ва маҳалла фаолларининг иш фаолиятини такомиллаштириш, ижобий тажрибаларни оммалаштириш мақсадида жойларда кўплаб ўқув-семинарлар ташкил этилди. «Энг фаол диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» ва «Энг фаол яраштирув комиссияси» танловлари юқори савияда ўтказилди.

Улғайиб келаётган авлоднинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, уларни қадимий анъана ва қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш, ёшларнинг тарихга оид билими ва дунёқарашини бойитиш маҳаллалар фаолиятида устувор аҳамият касб этади. Бу борадаги вазифаларни ҳал этишда «Маҳаллам тарихини ўрганаман», «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари» сингари кўрик-танлов ва мусобақалар муҳим ўрин тутади.

2010 йилнинг юртимизда Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши бу йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллаларнинг ёшлар камолотидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Тадбирда маҳаллаларда, аҳоли ўртасида олиб борилаётган маданий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, яраштириш ва ёшлар билан ишлаш комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш, ёшларни салбий иллатлар таъсиридан асраш, жамиятимиздаги ислоҳотлар жараёнида маҳаллаларнинг иштирокини кенгайтириш, бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда тегишли давлат, жамоат ташкилотлари ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Вояга етмаганлар ишлари бўйича Хоразм вилоят комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман ҳокимликлари вакиллари, ўқув муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.**
- **«Самарқанд—Ашхобод» йўналишидаги халқаро автомобиль йўлининг Бухоро вилоятининг Қоракўл ва Олот туманларидан ўтган қисми жаҳон андозалари даражасида реконструкция қилинмоқда. Ҳозиргача ушбу йўлнинг беш километри «Бухоро—Навоий» халқаро давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси томонидан таъмирдан чиқарилди.**
- **Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази «Энг яхши ишлаб чиқариш устаси» республика кўрик-танловини ташкил этди.**
- **Намангандаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли маданият ва истироҳат боғи ҳудудидан қадимий ер ости йўли топилди. Ер ости йўлининг чекка ва тепа қисмидаги ғиштларнинг XVI ва XVIII асрларга тааллуқли эканлиги аниқланди. Ушбу ноёб археологик топилманинг Наманган шаҳри тарихини ўрганишда муҳим ўрин тутиши таъкидланмоқда.**
- **Самарқанд шаҳрида замонавий матбаа ускуналари билан жиҳозланган «Ношир-люкс» хусусий корхонаси иш бошлади. 20 киши иш билан таъминланган янги корхона соатига 30 минг босма табоқ ҳажмида газета ва журналларни чоп этиш қувватига эга.**
- **Қўрғонтепа туманидаги «Қўрғонтепадонмаҳсулотлари» акционерлик жамияти ташаббуси билан «Эл ризқи» иссиқ нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилди. Бир кеча-кундузда бир ярим тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш тармоғи Германиядан келтирилган «ВАХТЕЛ» русумли асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ерда 12 нафар ёшлар иш билан таъминланди.**

### ЖАҲОНДА

- **БМТ зилзиладан улкан жабр кўрган Гаитига халқаро ҳамжамият томонидан 1,2 миллиард долларлик ёрдам кўрсатилишини билдирди.**
- **БМТ Гаитида оммавий тартибсизликлар бошланганлиги тўғрисидаги маълумотларни рад этган бўлса-да, Хавфсизлик Кенгаши ушбу мамлакатга 3,5 минг нафар тинчликпарвар кучларни юборишга қарор қилди.**
- **Ливан Ташқи ишлар вазирлиги АҚШдан Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг Ливан ҳудудига киришини тўхтатишга ёрдам беришини талаб этди.**
- **Нигериялик жангарилар томонидан мамлакат жанубида гаровга олинган тўрт нафар чет эл фуқароси озод қилинди. Маълумотларга кўра жангарилар Буюк Британия ва Колумбия фуқароларидан иборат гаровдагиларни қўйиб юбориш эвазига 2 миллион АҚШ доллари миқдорида товон пули талаб қилганлар.**
- **Германиянинг радиациядан ҳимоя хизмати Ассе шаҳридаги ядро қолдиқлари омборини ёпишга қарор қилди. Тез орада бу ердан 125 мингта идишдаги радиоактив моддалар олиб чиқиб кетилади. Бунга 40 йил аввал ташкил этилган омборда фавқулодда ҳолат юзага келгани сабаб қилиб кўрсатиляпти.**
- **Багама оролида унча катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учради. Ушбу самолёт ерга қулаган вақтда унинг бортидаги учувчи ва икки нафар йўловчи ҳалок бўлган. Ҳозирча ҳалокат сабаблари маълум эмас.**
- **«Ал-Қоида»нинг Арабистон ярим оролида фаолият олиб бораётган гуруҳининг олти нафар раҳбари Яман ҳарбий ҳаво кучлари ҳужуми пайтида йўқ қилинди. Улар орасида мамлакат бўйлаб қидирилаётган 152 нафар террорчи рўйхатидан жой олган Қосим ал-Рими ҳам бор.**
- **Лондондаги Тюссо хонимнинг машҳур мум ҳайкаллари музейидан АҚШнинг 44-президенти Барак Обама ёнидан унинг рафиқаси Мишел Обаманинг ҳайкали ҳам ўрин олди. Бу музейдан жой олган АҚШ президентларининг учинчи рафиқаси мум ҳайкалидир.**

# ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ: истиқбол ва режалар

**Бугунги кунда шуни мамнуният билан айтишимиз мумкинки, уй-жой-коммунал соҳасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самара бериб, пойтахтимиздаги кўп қаватли уйларнинг нафақат ташқи қиёфаси чирой очди, балки яшовчиларга қулайлик яратиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ободонлаштириш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.**



Ширкат — ибрат

## ЭНГ МУҲИМИ — ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

Буни шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек туманида фаолият кўрсатаётган «Салор-Дархон коммунал сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзига қарашли уйлардан бирининг ертўласида жойлашган, шинамгина жиҳозланган ширкатга кирар экансиз, эътиборингизни тартиб билан жойлаштирилган рўйхатлар тортади. Булар хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, ширкат бошқаруви аъзолари, уйлардаги масъул йўлакбошиларнинг телефон рақамлари кўрсатилган рўйхатлар бўлиб, хонадаги стенддан эса керакли ҳужжатлар, коммунал хизматлар тарифлари ва шу каби керакли нарсалар ўрин олганлиги яшовчилар, буюртмачилар учун алоҳида қулайлик десак бўлади.

Албатта, асосий мақсадимиз мазкур ширкатнинг фаолияти, бугунги кунгача мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, ўз уйларини сақлашдаги ҳамжиҳатликлари, келгуси режалари хусусида батафсил ёритиш бўлиб, шу боис ҳам ширкат ижрочи директори Маъмур Расуловни суҳбатга тортдик.

— Ушбу ширкат тасарруфидаги кўп қаватли уйда яшаганим боис ҳам ободонлаштириш, умумий мулкни сақлаш ишларида фаол иштирок этишга ҳаракат қилардим, — дейди Маъмур Расулов. — Ахир ўзимиз яшаётган уйни авайлаб-асрамасак, қўшнилар аҳил бўлмасак, четдан ёрдам кутиш бефойда-ку. Чунки ҳаммаси ўзимизнинг қўлимиздан келадиган ишлар. Аввало ширкат бошқаруви раиси Лидия Козлова, қолаверса 2007 йил январдаги ширкат аъзоларининг умумий йиғилишидаги қарори билан ижрочи директор этиб сайландим. «Бу иш сизнинг қўлингиздан келади, шундай ҳам энг фаолларимиздансиз, албатта уддалайсиз», деб Лидия Михайловна мени руҳлантирди. Ишга астойдил киришиш, шунинг барабарида ходимларни жамлаш, яшовчиларни жипслаштириш лозим эди. Чунки қилинадиган ишларимиз, ечиладиган муаммоларимиз кўп эди. Барча уйларнинг техник ҳолати ёмон бўлиб, гоҳида иссиқ сув, баъзан совуқ сув бўлмасди, иссиқлик тизимлари ҳам носоз, ертўла ҳамиша сувга тўла, чивинлардан аҳоли азият чекарди. Муҳандислик-коммуникация тизимлари капитал таъмирга муҳтож, 27 та хонадон томларидан чакка ўтарди. Бунинг устига ўша пайтда коммунал ва фойдаланиш ҳаражатларидан анчагина қарздорлик ҳам елкада турарди...

Албатта, тадбиркорлик билан иш юритиш, имкониятларни омилкорлик билан топа билиш, энг асосийси кўпчиликни ўз орқасидан эргаштира олиш, ишончига сазовор бўлиш самарасини беради. Маъмур Расулов ҳам шундай йўл тутди. 10 та кўп қаватли, 208 хонадонли уйни бирлаштирган ширкатнинг биринчи умумий йиғилишида бошқарув аъзолари сайланди, ширкат хонаси жиҳозланди. Уйларнинг ҳар бир 6 йўлагидан тафтиш комиссиясига биттадан вакил тайинланди ва улар ширкат бошқаруви фаолиятини назорат қилиб текшириб боради.

Ширкат тасарруфидаги уйлардан йўлакбошилар сайланиб, уларнинг фаолликлари таъминланди. Ҳар бир уй учун кирим-чиқим дафтари тутилди. Аввало энг асосий вазифа уйларнинг техник ҳолатини яхшилаш, ертўлаларни сувдан тозалаш, носоз қувурларни алмаштириш ишлари режа асосида бажарилди. Бунинг учун эса анча саъй-ҳаракат, маблағ зарур бўлди. Лекин ҳамжиҳатлик самара берди. Бу борада нафақат ширкатнинг 6 нафар ходими, балки туман ҳокимлиги вакиллари, яшовчилар бир ёқадан бош чиқаришди. Натижа эса кутилгандек бўлди.

— Ҳаракат ва аниқ режа бўлса ҳар бир ишни уддалаш мумкин экан, — дейди Маъмур Расулов. — Бугунги кунга келиб уйларимизнинг техник ҳолати бир хил бўлди, қийинчиликдан муваффақиятли ўтдик, дея оламан. Эндиги вазифамиз ўзимиз яшаётган уйларни сақлаш, асраш, ободонлаштириш, кўркига кўрк қўшиш, хизмат сифатини оширишдан иборат. Буни ҳар доим аҳолига тушунтириб борамиз. Муваффақиятларимизнинг яна бир омили барча ходимларимизнинг ўз ҳудудимизда истиқомат қилишидир. Айниқса, куну тун яшовчилардан ёрдамини аямаётган чилангар пайвандчи Султон Шукуров, электр устаси Нозим Абайдуллинларнинг сидқидилдан меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим. Албатта, сифатли хизмат, буюртмаларнинг вақтида адо этилишининг натижаси тўловларда ҳам акс этмоқда. Ҳозирда қарздорлик камайган, кам таъминланган оилаларга имкониятимиздан келиб чиқиб ёрдам кўрсатамиз. Барча уйларимиз капитал таъмирдан чиқарилди. Жумладан, ўтган йилда 9 ва 12-уйларнинг коммуникация тизимлари тубдан таъмирланди. Шу боис ҳам айни дамда уйларимизда иссиқлик таъминотида муаммолар йўқ. Куз-қиш тайёргарлигини ҳар йили эрта баҳордан бошлаймиз.

— Ширкат раҳбарлари ва ходимларининг ўз ишига сидқидилдан ёндашуви яшовчилардаги ишончни янада орттирди, — дейди 1-уйнинг 41-хонадонида яшовчи «Дархон» маҳалласи фаоли Турдибек Атабеков. — Энг асосийси, ҳар бир уйнинг ҳолати уларга яхши аён, буюртмалар ўз вақтида бажарилмоқда. Маъмур Расулов ҳар бир ишда бош-қош бўлиб, энг катта муаммоларни ҳам ҳал этганидан мамнунмиз.

— Ширкат ходимларининг фаолликлари, ҳар бир ишнинг уддасидан чиқаётгани, аҳолига яратилаётган қулай шароитлар бизни ҳам ҳамжиҳатликка ундамоқда, — дейишади 8-уйда истиқомат қилувчи Абдураҳмон Рафиқов ва 9-уйда яшовчи Жон Саменов. — Шунинг учун ҳам ширкатга тез-тез келиб қўлимиздан келган ишларда уларга ёрдам берамиз. Қулайликни, ободликни аввало ўзимиз яратишимиз лозимлигини, уйларимизни асраш, сақлаш бурчимиз эканлигини кейинги йилларда англаб етдик.

Бундай дил сўзларини кўплаб хонадон аҳлидан эшитиш мумкин. Бу, албатта меҳнатнинг зое кетмаётгани ифодасидир. Бежирим болалар майдончалари, соя-салқин дарахтлар, баҳорда ҳовлига кўрк бағишловчи ранг-баранг гуллар... Аслида "анвойи гуллар, тунги чароғон ёритгичлар — ҳамма-ҳаммаси аҳоли учун — буни улар бугун жуда яхши англашмоқда.

Маъмур Расулов ҳар бир ишда ширкат ходимларига ва шунинг баробарида уйларнинг йўлакбошиларига суянади. Айниқса, унинг ишончини Роҳила Отабоева (1-уй), Наталья Галибина (2-уй), Ражаббой Матўрозов (3-уй), Надя Ҳасанова (8-уй) сингари фаол йўлакбошилар оқлаб келмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ширкатнинг туман ҳокимияти, шаҳар ва туман хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари, «Дархон» маҳалла фуқаролар йиғини билан узвий ҳамкорлиги ҳам яхши самара бермоқда.

Янги — 2010 йилни ўзига хос ютуқлар билан кутиб олган ширкат жамоасининг келгуси режалари талайгина. Энг асосийси, келгуси мавсумга пухта тайёргарлик, томларни капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш, уйларнинг фасади ва кириш йўлакларини таъмирлаб, кодли темир эшиклар ўрнатиш, ободонлаштириш ишларини янада уюшқоқликда олиб бориш бўлиб, буларнинг барчасида ҳамжиҳатликни таъминлаш кўзланган. Зеро, яшовчилар фаоллигини таъминлаш — уларга сифатли хизмат кўрсатиш, қулайлик яратишда гаров бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: ширкат фаолиятидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**



# ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ — ЮРТ ТИНЧЛИГИ

**«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Маънавият ва маърифат марказида «Оила мустаҳкамлигида никоҳ ёшининг аҳамияти» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда оила ва унинг мустаҳкамлигида никоҳ ёшининг аҳамияти масалалари атрофлича муҳокама қилинди.**

Қадим-қадимдан халқимизнинг миллий қадриятлари, энг гўзал инсоний туйғулари оила аталмиш масканда шаклланади ва сайқал топади. Ўзаро аҳил ва мустаҳкам оила фарзандлари юрт корига камарбаста инсонлар бўлиб вояга етади. Оиладаги тинчлик ва соғлом муҳит эса ўз-ўзидан маҳалла, эл-юрт осойишталигини ҳам таъминлайди. Албатта, соғлом жамиятдагина баркамол авлод тарбия топади. Шу боисдан мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, никоҳни миллий қадрият сифатида эъзозлаш, кам таъминланган ва ночор оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилда Президентимиз томонидан қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорлар бу борадаги ишлар самарасини янада оширади, десак муболаға бўлмайди.

Тадбирда сўз олган мутахассисларнинг таъкидлашича, ёшларнинг фикрини ўрганиш натижасида уларнинг анъанавий қарашлардан бироз чекинишганлиги маълум бўлди. Улар энг аввало, мустақил ҳаётга тайёрланиб, бирор касб-ҳунар эгаллаб, ўзининг жамиятда фуқаролик позициясига эга бўлгандан кейингина никоҳга киришга муносабат билдиришмоқда. Оила – жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Шу сабабли унда учраётган муаммони жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳал этиш яхши самара беради.

Савол-жавоб тарзида ўтган давра суҳбатида оила билан боғлиқ масалалар ҳар бир инсондан онгли ёндошувни талаб қилиши, бу борада йигит ва қиз ўзининг аниқ қарашларига эга бўлиши лозимлиги таъкидланди.

– Мутахассисларнинг фикрларини тинглаб, шундай хулосага келдимки, маълум бир касб кўникмаларини мукаммал эгаллагандан сўнг турмуш қуриш мақсадга мувофиқ экан, – дейди талаба Насиба Воисова. – Оила — жамият кўзгуси, уни асраб-авайламоқ ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Шу сабабли бунда шошма-шошарлик қилиб турли муаммоларни юзага чиқармаслик лозим деб ўйлайман.

Бугунги кунда оила қуриш остонасида турган ёшларни ўз вақтида турмушга тайёрлаш, уларни оила этикаси ва репродуктив саломатлик борасидаги билимларга эга бўлиши келажакда соғлом турмуш тарзини шаклланишига ҳисса қўшади. Мутахассисларнинг маслаҳатлари ва йўл-йўриқлари эса оила қўрғонининг мустаҳкам бўлишига замин яратади.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

Нишондорларимиз

## МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

**«Меҳнатинг — зийнатинг» деган ибора бежизга айтилмаган. Ҳақиқатан ҳам инсон астойдил меҳнат қилса, ишига меҳр қўйса қадр топади, эъзозланади, муносиб рағбатини ҳам олади.**

Ана шундай инсонлардан бири Мирзо Улуғбек туманидаги «Олтинсой биринчи коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ижрочи директори Зулфия Ниёзовадир. У ўтган йили мамлакатимиз мустақиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медали соҳибига айланди. Бу бежиз эмас, албатта. Изланиш, тадбиркорлик билан иш юритиш, вазифасига сидқидилдан ёндошиш самараси десак, асло муболаға бўлмайди.

— 2007 йилда ташкил топган ширкатимиз «Олтинсой коммунал» йирик ширкатидан ажралиб чиққан 2 та кўп қаватли уйдан иборат, — дейди Зулфия Ниёзова. — Ушбу уйларда 237 та хонадон аҳли истиқомат қилади. Уйларимизнинг техник ҳолати яхши, қарздорлик йўқ. Янги ширкат ташкил этилгач, умумий мажлис қарорига кўра уйларга техник хизмат кўрсатиш ва сақлаш учун «Олтинсой таъмир сервис» бошқарув компанияси билан шартнома тузилди. Мазкур шартноманинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш менинг зиммамга юкланди. Мана, ҳозирги кунгача компания билан самарали ҳамкорлик қилаяпмиз. Малакали ходимлар ширкатимиз аъзоларининг ҳар бир буюртмаларини вақтида бажаришади. Куз-қиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрганимиз боис ҳам уни кўнгилдагидек ўтказаяпмиз. Албатта, яшовчиларимиз хизматга яраша тўловларни ўз вақтида бажаришмоқда. Бу эса ҳар бир хонадонга сифатли хизмат бўлиб қайтмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тўловларни вақтида амалга оширишда олиб борилаётган тушунтириш ишлари ҳамда уй- бошиларнинг фаолликлари ўз самарасини бермоқда. Жумладан, Файзулла Алимов, Саида Шарипова, Адҳам Отахонов сингари уйбошилар Зулфия Ниёзованинг энг яқин ёрдамчилари ҳисобланади. Барча белгиланган режаларнинг бекаму кўст амалга ошишида уларнинг ҳиссаси катта.

Энг муҳими эса ширкат аъзолари Зулфия Ниёзовага ишонади. Чунки у ўзининг талабчанлиги, ташкилотчилик қобилияти, ширкат маблағларини сарфланишини назоратга олиши, тежамкорлиги билан бунга эришмоқда. Уйларни сақлашда, авайлаб-асрашда, ободончилигига эътибор қаратишда яшовчиларнинг фаоллиги ортиб бормоқдаки, бу кўркамликда акс этмоқда.

— Яқин кунларда ўтган йил якунлари бўйича умумий йиғилиш ўтказишни режалаб турибмиз, — дейди Зулфия Ниёзова. — Ана шунда жорий йил ва келгуси режаларимизни аниқ белгилаб оламиз. Баҳор бошланиши биланоқ ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш юмушларини бошлаб юборамиз. Шуни мамнуният билан айта оламанки, мукофот мени янада руҳлантирди. Албатта, нафақат аҳоли ишончини оқлашга, балки хонадон аҳлларининг янада яхши яшаши, қулайликлардан баҳраманд бўлиши учун куч-ғайратимни аямайман. Барча ишларда ширкат аъзолари — аҳил яшовчиларга суянаман.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Турар жойимни алмаштирмоқчи эдим. Қандай ҳолларда турар жойни алмаштиришга йўл қўйилмайди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Нигина Қиличева,**
**Собир Раҳимов тумани**

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 109- моддасида баён этилган бўлиб, қуйидаги ҳолларда турар жойни алмаштиришга йўл қўйилмайди:

агарда ижарага олувчига нисбатан турар жойни ижарага бериш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида даъво тақдим этилган бўлса;

жиноят иши қўзғатилиши муносабати билан турар жой хатланган (бошқа шахсга бериш тақиқлаб қўйилган) бўлса;

алмаштириш сохта бўлса;

турар жой техник носоз ҳолатда бўлиб, бузиладиган ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун қайта қуриладиган ёхуд давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун бериладиган бўлса;

турар жой яшаш хоналарини қайта қуриш ёки ўзгартириш билан капитал таъмирланиши лозим бўлса;

алмаштириладиган турар жойлардан бири аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйида бўлса;

жой хизмат турар жойи ёки ётоқхона бўлса;

алмаштириш муносабати билан алмашаётган тарафлардан бирининг уй-жой шароитлари тубдан ёмонлашиб, бунинг оқибатида фуқаролар уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлиб қолсалар.

Қонун ҳужжатларида турар жой алмаштирилишини ман этувчи бошқа ҳоллар назарда тутилган бўлиши мумкин.

* * *

**Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига аъзо бўлиш ва мазкур аъзоликнинг тугатилиши ҳақида маълумот берсангиз.**

**Жасур Мелиев,**
**Учтепа тумани**

«Жой мулкдорлари — юридик ва жисмоний шахслар ширкат аъзолари бўлади», деб кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонунининг 13-моддасида. Шунингдек, жой бошқа шахсга берилган тақдирда, унинг мулкдори — ширкат аъзоси янги мулкдорни ўзининг ширкат аъзоси эканлиги ҳамда ширкат уставида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалиги, бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар янги мулкдорга ўтиши ҳақида хабардор қилиб қўйиши шарт. Ширкат ташкил этилган уйдан жой олган шахслар ўзларида шу жойга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келган вақтдан эътиборан ширкат аъзоси бўлади.

Қонуннинг 14-моддасида ширкатга аъзолик қуйидаги ҳолларда тугатилиши кўрсатилган, яъни жойга бўлган мулк ҳуқуқи бекор қилинганда; айрим кўп квартирали уйдаги жой мулкдорларининг кўпчилиги томонидан ширкатдан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинганда ва ширкат тугатилганда.

Фан

## НОЁБ КАТАЛОГ

**Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди бугунги кунда дунёдаги энг бой адабиётлар хазинасига айланган. Шу билан бир қаторда бу ерда кўплаб нодир ҳужжат, мактуб, ёзишмалар ҳам сақланмоқда.**

«Араб тилидаги қўлёзмалар каталоги» ҳам мутахассислар эътиборини ўзига тортмоқда. Унда шу тилда нашр қилинган асарлардан талайгинаси ўз тавсифини топган. Яқинда илмий муассаса яна бир қимматли нашрга эга бўлди. «Араб тили дарслиги»нинг бир неча нусхаси тортиқ қилинди. М.Баҳодиров ва Б.Баҳодировлар ҳамкорлигида ёзилган бу қўлланма республикамизда шу нуфузли фан бўйича яратилган биринчи дарслик сифатида ҳам қадрлидир.

## САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯ

**Электроника институти олимлари уруғлик чигитни туксизлантириш ва саралаш технологиясини ишлаб чиқиб, пахтачиликни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшишди. Олиб борилган илмий тадқиқотлар чигитни туксизлантириш технологиясининг икки йўналиши мавжуд эканлигини кўрсатди.**

Булар кимёвий ва механик усуллардир. Биринчи усулда уруғлик чигитга газсимон ёки суюқлик тарзидаги кучли кимёвий моддалар таъсир эттирилиб, чигитдаги тук емирилади ва ундан сидириб олинади. Чигитнинг пўстлоғи энг кам жароҳатланади.

Механик усул эса турли хил ўткир кесувчи дастгоҳлар ёрдамида чигитдаги тукни тозалашдан иборат.

**Аҳмад ВАҲОБОВ**

# НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР — ИННОВАЦИЯНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

## Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар III республика ярмаркаси олдидан

**Илм-фан ва инновацион тараққиётнинг муҳим кўриниши бўлган нанотехнологиялар ҳаётимизга чуқур кириб келмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, яқин йиллар ичида замонавий фаннинг кўпгина бўлимлари "нано" қўшимчаси билан айтиладиган бўлади.**

**Нанотехнологияларнинг жамият тараққиётидаги ўрни, унинг ютуқларидан мамлакатимиз илм-фани ва ишлаб чиқариш тармоғида фойдаланиш истиқболлари хусусида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими раҳбари муовини, физика-математика фанлари доктори, профессор Абдулла САИДОВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Бугунги кунда ҳаётимизга тезлик билан кириб келаётган нанотехнология тушунчаси жамиятимиз тараққиётини янада жадаллаштириш, турмушимиз фаровонлигини ошириш, ҳаётимизда ўз ечимини кутаётган экологик, ижтимоий ва бошқа муаммоларни бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди А.Саидов. — Чунки илм-фаннинг бундай кашфиётлари ноёб хусусиятларга эга янги метаматериаллар ва экстремал шароитларга чидамли наноматериаллар олиш ва уларни татбиқ этишга хизмат қилади. Шу боис жаҳонда нанотехнологик тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ва бу борадаги инновацион технологиялардан ҳаётда кенг фойдаланишга эътибор тобора кучаймоқда.

Масалан, компьютер технологиялари соҳасида олиб борилаётган изланишлар натижасида квант информатикаси фани юзага келди. Ушбу соҳа наноўлчамли процессорларга эга бўлган квант компьютерларини яратиш ва улар учун дастурлар ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Квант компьютерларида бир бирлик ахборотни ёзиш учун битта ёки бир нечта атомдан фойдаланилади. Биз фойдаланаётган ҳозирги замон компьютерларида бу жараённи бажариш учун эса бир неча миллиард атом сарфланади. Демак, квант компьютерларида ҳисоблаш жараёнида ўз-ўзидан ўта юқори тезлик, ихчамлик ва самарадорлик ошади.

Нанотехнологиялардан тиббиёт соҳасида фойдаланиш ҳам муҳим кашфиётларга йўл очмоқда. Шу кунларда жаҳондаги етакчи илм-фан марказларида бу йўналишда яратилган дори капсулалари ва шприцлар синовдан ўтмоқда. Дори нанокапсулаларининг афзаллиги шундаки, улар тананинг соғлом қисмига салбий таъсир кўрсатмай, фақат касалланган ҳужайрага етиб боради.

Нанотехнологик ишланмалар ишлаб чиқаришнинг кўплаб соҳаларига кенг татбиқ этилмоқда. Кўпгина ривожланган давлатларда маҳсулот сифатини яхшилаш учун наноматериаллар қўлланилмоқда. Масалан, микробга қарши воситаларда ўз-ўзидан тозаланадиган матолар айнан наноматериаллар асосида яратилмоқда. Ёки протезлар тайёрлашда унинг бирикиш жойларини наноўлчамли кумуш зарралар билан қоплаш йўлга қўйилмоқда. Бу бактериялардан ҳимоя қилишда ёрдам беради. Нанотехнологияларнинг ривожланиши келгусида тиббиётни янада тараққий эттиришга хизмат қилади. Натижада касалликларнинг клиник симптомларини юзага чиқишдан олдин аниқлаш ва уни илк босқичлардаёқ безарар усуллар воситасида даволаш имконияти вужудга келади.

Нанотехнологияларнинг ривожланиши муқобил энергиядан фойдаланиш истиқболи учун ҳам муҳим асос бўлади. Чунки наноматериаллар асосида яратилган электр энергияси ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг самарадорлиги амалдагиларидан бир неча баробар ўсади.

Нанотехнология соҳасида мамлакатимиз олимлари ва мутахассисларининг олиб бораётган илмий тадқиқотлари ҳам юксак натижалар бермоқда. Жаҳон илм-фанининг бундай ихтироларининг ютуқларини чуқур ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этишда мамлакатимиз илм-фан марказларида ҳам қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлимида ўтган асрнинг 90-йилларида нанофизика соҳасида дастлабки илмий тадқиқотлар бошланган эди. Бу жабҳада олиб борилган илмий изланишлар натижасида наноматериаллар ёрдамида нурланувчи диодлар яратилди. Мустақиллик йилларида бу даргоҳда наноматериалларнинг хусусиятларини ўрганувчи таркибий акслантиришлар илмий тадқиқот маркази ташкил этилди. Ушбу марказ Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган ёритиладиган электрон микроскоп билан жиҳозланди. Бу эса мутахассисларимизга наноматериаллар тасвирини олиш ва уларда кечаётган жараёнларни кузатиш имкониятини яратди.

Бундан қарийб ўн йил аввал ташкил этилган истиқболли тадқиқотлар лабораторияси бу жабҳадаги илмий ишларни янада жадаллаштириш имконини берди. Ҳозирги кунда ушбу лабораторияда ўттиз нафарга яқин олим илмий изланиш олиб бормоқда. Улар орасида фан докторлари, номзодлар, муҳандислар ва талабалар бор. 2007 йилда лаборатория ходимлари ўнта халқаро стипендия, грант ва мукофотларни олишга муваффақ бўлгани салмоқли ютуқларимизнинг далилидир. Ҳозирги пайтда ушбу лаборатория ходимларининг ўртача ёши 29 дан ошмайди.

Айни пайтда олимларимиз нанофизиканинг қатор долзарб масалалари юзасидан кенг кўламли илмий изланишларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Водород энергетикасининг олдида турган долзарб муаммолар, водород моддасини сув ёки бошқа суюқлик молекулалари орасида юзага келувчи нанокопконларда сақлаш, нанотармоқлардан фойдаланишга асосланган термоэлектрик наноматериаллар яратиш, ахборот етказиш самарадорлиги ўта юқори наноўлчамли мезоскопик системаларга асосланган тармоқлар яратишга оид илмий лойиҳалар шулар жумласидандир.

Бу йўналишда олиб борилаётган илмий изланишлар қисқа даврда амалий натижа бераётгани қувонарлидир. Нанотузилишли суюқлик асосида яратилган иссиқлик узатгич, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш воситаси, синтез қилинган нурланувчи диодлар ана шундай муҳим кашфиётлар сирасига киради.

Мамлакатимизда қаттиқ жисмлар, атом ва молекуляр физика, ночизиқли динамика каби илм-фан мактабларининг анъаналарини ривожлантириш, илм-фан фаолиятини изчил такомиллаштириш учун яратилган кенг кўламли шароит замонавий нанофизика соҳасида ана шундай муҳим натижаларга эришишга хизмат қилмоқда. Бу борада юртимиздаги бошқа илм-фан масканларида ҳам катта илмий салоҳият шаклланиб, изчил ривожланаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори илм-фан соҳасида эришилаётган бундай ютуқлар кўламини янада кенгайтириш, янги ишланмаларни амалга изчил татбиқ этиш, жаҳон илм-фанининг янгиликларини ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш учун зарур шароит яратишда муҳим омил бўлаётир.

Қарорда белгиланган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш, илм-фан янгиликларини иқтисодиёт тармоқларига татбиқ этиш мақсадида анъанавий инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ташкил этилмоқда.

Илмий тадқиқот муассасалари олимлари бу борада яратилган шароитдан оқилона фойдаланиб, фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар натижасини кенг намойиш этмоқда. Бундай тадбирлар нанотехнология соҳасидаги кашфиёт ва ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий этишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаларида бўлимимиз олимлари томонидан яратилган ўн бешга яқин ишланма намойиш этилди ва улар ишлаб чиқарувчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ҳозирги кунда нанотузилишли суюқлик асосида яратилган иссиқлик узатгичлар қуёш энергиясидан фойдаланиб, иссиқ сув ишлаб чиқариш коллекторлари чиқарадиган корхоналарда кенг қўлланилмоқда. Буларга мисол қилиб пойтахтимиздаги "Қурилишгелиосервис", "Роҳат автосервис" корхоналарини, "Тошкент-Зеннер" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасини келтириш мумкин.

— Илгари ишлаб чиқариш жараёнида Россия ва Германиядан келтирилган иссиқлик узатгичлардан фойдаланар эдик. Бироқ бу воситалар қисқа муддатда ўз хусусиятини ўзгартириб, кутилган самарани бермасди, — дейди "Қурилишгелиосервис" корхонаси раҳбари Ғофир Икромов. — Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими олимлари томонидан тавсия этилган иссиқлик узатгичлар маҳаллий шароитга мослиги, чет элдаги аналогларидан арзонлиги ва сифатлилиги билан ажралиб туради. Олимларимиз яратган янги восита совуқда ва жазирама иссиқда ҳам ўз хусусиятини ўзгартирмайди, ундан узоқ вақт фойдаланиш мумкин. Шу боис корхонамизда ишлаб чиқарилаётган қуёш энергияси асосида иссиқ сув ишлаб чиқарадиган қурилмаларнинг сифати яхшиланиб, харидоргирлиги ошиб бормоқда. Бундай қурилмаларимиздан кўплаб бино ва иншоотларни иситиш ҳамда иссиқ сув билан таъминлашда кенг фойдаланилмоқда. Мисол учун, Навоий кон-металлургия комбинатининг дам олиш базасида, Чимёндаги болалар соғломлаштириш мажмуасига ўрнатилган ана шундай қурилмаларимиз самарали ишламоқда.

Олимларимизнинг қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашишда фойдаланиладиган янги воситаси ҳам соҳа мутахассисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Андижон вилоятининг Булоқбоши туманидаги бир қатор фермер хўжаликлари билан бу борада шартнома тузилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда.

Яна бир муҳим ихтиро – кўп функцияли диагностика мажмуаси соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассисларининг алоҳида эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу борадаги ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда пойтахтимиздаги "Супрамед" ва "Ўзтибтехника" корхоналари билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўз навбатида Иссиқлик физикаси бўлими олимлари ва тадқиқотчилари инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар III республика ярмаркасига ҳам қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Бу гал тўртта нанотехнологик ихтирони тақдим этиш режалаштирилаётир. Пахта ёғини тозалашда қўлланиладиган янги восита, бетон конструкция чиқарадиган заводларда қолипларни мойлашда ишлатиладиган янги ишланма, ўт ўчириш хизматида қўлланиладиган замонавий технологиялар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан мамлакатимизда нанотехнологияларни ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши бу йўналишдаги илмий ва амалий ишларни янада ривожлантириш ва жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишда муҳим қадам бўлди. Бундай ишлар келгусида нанофан ва нанотехнологияларнинг фундаментал асосларини изчил ривожлантириш, унинг натижаларини ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кенг татбиқ этиш, жамият тараққиётини юксалтиришда ўз самараларини бериши, шубҳасиз.

**Баҳор ХИДИРОВА**
**ЎзА мухбири**

Санъат

## ИСТЕЪДОДЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

**Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати кўплаб ёш истеъдодларни мустақил ижод сари йўллаган республика бадиий академияси тасарруфида фаолият кўрсата бошлагач, билим даргоҳида қатор янги бўлимлар очилди. Мусиқа санъати йўналиши ҳам йўлга қўйилди.**

Бугунги кунда миллий чолғу асбоблари бўйича ташкил этилаётган машғулотлар жараёнида концерт дастурлари ҳам тайёрланмоқда.

Шунингдек, хор дирижёрлиги мусиқа назарияси ва тарихи мутахассислиги бўйича ёш истеъдодлар етишиб чиқмоқда.

## ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

**Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг қобилиятли ёшлари эндиликда халқаро доирада ҳам яхши танилиб қолди.**

Буни Италияда ўтказилган ёш мусиқачиларнинг XXIII халқаро танлови мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ушбу ижрочилик маҳорати кўригида лицейнинг икки нафар ўқувчиси совринли ўринни қўлга киритди.

Маънавият

## ЭНГ ЯХШИ ЎҚУВ АДАБИЁТИ

**Республикамизда ўқишлар қозоқ тилида олиб борилаётган мактаблар кўп. Уларни ўқув адабиётлари билан таъминлаш борасида ҳам тадбиркорлик билан иш кўрилмоқда.**

Шу ўринда қозоқ тилидаги 1-4-синфлар учун мўлжалланган «Ўқиш китоби»ни кўрсатиб ўтиш жоиздир. Дарсликда нафақат қозоқ, балки ўзбек, қирғиз адиблари асарларидан ҳам намуналар келтирилган. Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, таниқли болалар шоири Турсунали Адашбоевларнинг ибратли шеър, ҳикоя ва масаллари ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган.

«Ўқиш китоби» энг яхши дарсликлардан бири деб топилди.

## ИЖОДИЙ МУЛОҚОТ

**Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида уюштирилган китоб кўргазмасидан таниқли болалар шоири Раҳим Фарҳодий асарлари ўрин олди.**

Ушбу тадбирда шоирнинг ўзи иштирок этиб, янги ижодий режалари ҳақида батафсил гапириб берди.

Республика Болалар кутубхонаси саъй-ҳаракати билан ташкил этилган ушбу экспозиция доирасида Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёти марказининг «Ёш рассомлар» тасвирий санъат студияси аъзолари билан ҳам давра суҳбати ўтказилди. Ёш рассомлар чизган расмлар ҳам тақдим қилинди.

Тадбир меҳмони шоир Р.Фарҳодий фаол ўқувчиларга янги чоп этилган китобларини совға қилди.

## ТАЛАБАЛАР ДАВРА ҚУРИШДИ

**Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент филиали пойтахтимиздаги қатор олий ўқув юртлари талабалари билан гавжум бўлди.**

Толиби илмлар ўртасида дўстлик алоқаларини кенг йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилган бу тадбирни уюштиришда Ўзбекистон тарихи Давлат музейи яқиндан ёрдам берди. Зиё маскани томонидан махсус тайёрланган кўчма кўргазма ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Бундай учрашувларни бошқа олий ўқув юртларида ҳам ўтказишга келишиб олинди.

**Акбар АЛИЕВ**

**Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 17-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ҳар йили 9-синф битирувчи ўқувчиларининг қизиқишидан келиб чиқиб касбга йўналтириш борасида махсус тадбирлар ўтказиб келинади.**

## КАСБ ТАНЛАШДА АДАШМАНГ

Мактабда Юнусобод туманидаги ўрта махсус касб-ҳунар масканлари, туман халқ таълими бўлими вакиллари, ота-оналар, устозлар ва битирувчи синф ўқувчилари иштирокида навбатдаги ана шундай тадбир ташкил этилди.

Унда ўқувчилар ўзлари келажакда эгаллаш истагида бўлган соҳада фаолият олиб бориш учун қандай таълим даргоҳини танлаш борасида батафсил маълумотга эга бўлишди. Мамлакатимизда жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг ҳар томонлама қулай ва энг муҳими самарали экани халқаро миқёсда ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Айни пайтда таълим тизимини янада ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида бу борада ўзига хос ютуқларга эришилди. Ўқув йили давомида коллеж ва лицей ўқитувчиларининг умумтаълим мактабларида бўлиб, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида яратилган шароитлар борасида маълумот бериб бориши эса ўқувчиларда танлаш имкониятини оширишга хизмат қилаётир.

Ушбу тадбирда иштирок этган ўқувчилар ва ота-оналар таълимнинг навбатдаги босқичида қайси муассасани танлаш мумкинлиги ва бу жараёнда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар хусусида кўплаб маълумотлар олишди.

Жорий йилда мазкур мактабни 186 нафар 9-синф ўқувчиси битиради. Мактаб ўқитувчилари ота-оналар билан бирга тумандаги, Тошкент шаҳридаги коллеж ва лицейлар вакиллари билан учрашувлар ташкил этиб келмоқда.

–Биз бу каби учрашувлар ёрдамида пойтахтимиздаги барча ўрта махсус таълим муассасалари ҳақида тўлиқ маълумот олишга эришдик, – дейди битирувчи синф ўқувчиси Фазлиддин Исмоилов. – Эндиликда қайси соҳага қизиққан бўлсак, ўша йўналишдаги ўрта махсус касб-ҳунар коллежида ўқишни давом эттиришимиз мумкинлигини англаб етдик. Мен банк соҳасига қизиққаним боис ўқишни шаҳримиздаги банк коллежида давом эттирмоқчиман.

Юнусобод туман халқ таълими бўлими вакиллари берган маълумотларга қараганда, жорий йилнинг февраль ва май ойларида ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида очиқ эшиклар куни ташкил этилади. Ўқувчилар ўртасида касб танлаш борасида сўровнома ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Бундан кўзланган асосий мақсад ўқувчининг мустақил равишда касб танлаши ва соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишишига эришишдан иборатдир.

## ТАЪЛИМ СИФАТИДА ТАЖРИБАНИНГ ЎРНИ

**Тошкент шаҳар Ўқувчилар ижодиёт марказида Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига вилоятлардан келган мактабгача таълим муассасаси раҳбарлари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.**

Унда институтнинг илмий ходимлари, Халқ таълими вазирлиги мутахассислари, Ўқувчилар ижодиёт марказининг етакчи мутахассислари ва тўгаракларга қатнашаётган ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари марказда фаолият юритаётган тўгарак, студия ва клублар фаолияти билан яқиндан танишишди. Халқ амалий ва тасвирий санъати бўлимидаги "Ёш рассом", "Графика", "Ренессанс" тўгараклари, Бадиий нафосат бўлимидаги "Кўзмунчоқ", "Ғунча" рақс дасталари, "Севинч" вокал дастаси, "Зарб" доирачилар дастаси, "Нафосат" дуторчилар дастаси, шу билан бирга турли чет тилларни ўргатувчи клублар фаолияти меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Ўқувчиларнинг жамоат ишларидаги фаоллигини ошириш мақсадида марказ қошида "Сардор", "Ташкилотчи", "Сардорлар мактаби" каби тўгараклар ҳам фаолият юритмоқда. Таълим муассасаси раҳбарлари тўгараклар фаолияти билан танишиб, ўзаро тажриба алмашишди.

—Мақсад барча туманларда фаолият юритаётган мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг бўш вақтларини унумли ўтказиш учун уларга турли ҳунар сирларини ўргатиш ва истеъдодларини рўёбга чиқаришда кўмаклашишдир, — дейди Марказ раҳбари Гулчеҳра Набиева. — Қувонарлиси, марказга келаётган мактаб ўқувчиларининг сони кундан кунга ортмоқда. Бу ўқувчилар ўзлари қизиққан йўналиш бўйича тўгаракларга аъзо бўлишаяпти. Ўқувчилар ўртасида имтиҳон ва тест синовлари ўтказилиб, иқтидорига қараб гуруҳларга бўлинади. 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши биз таълим ходимлари зиммасига янада масъулият юклади. Жорий йилда марказдаги тўгараклар фаолиятини янада жонлантириш ҳамда вилоят филиаллари ишини такомиллаштириш режалаштирилган. Бу борада мактабгача таълим муассасалари, ўқув марказлари ўртасида тажриба алмашишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**"Туркистон-пресс"**

